



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (13.378)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни
Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаои қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Бугунги кунда ҳамкорлик портфели умумий қиймати 14 миллиард доллардан зиёдни ташкил этувчи 59 лойиҳани ўз ичига олган бўлиб, уларни молиялаштириш учун банкнинг 6 миллиард доллардан кўпроқ маблағи жалб қилинган.

Толлимаржон ва Тахиятош иссиқлик электр станцияларида замонавий буғ-газ қурилмаларини барпо этиш, юқори вольтли электр узатиш линияларини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қуриш, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида сув таъминоти тизими ва санитария объектларини реконструкция қилиш, Аму-Бухоро

машина канали тизимини қайта тиклаш, Мароқанд-Қарши темир йўлини электрлаштириш, кичик бизнесни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа лойиҳалар Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган ва амалга оширилаётган йирик лойиҳалар сирасига киради.

Учрашувда 2017-2019 йилларга мўлжалланган қўшма дастур доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр тармоқни модернизация қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муқобил энергетикани ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқа йўналишларга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ОТБ президенти самимий қабул ва ўзаро шериклик муносабатларини мустақамлашши қўллаб-қувватлаётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ОТБ делегациясининг мамлакатимиз вазириликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якуни бўйича банкнинг 573 миллион долларлик маблағини жалб қилган ҳолда кичик бизнес, мева-сабзавотчилик соҳалари, сув таъминоти тизими ва автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантиришга доир 4 лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Ўзбекистонга ташрифи давомида Такехико Накао Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари билан танишди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Президент
Гурбангули Бердимухамедовнинг
таклифига биноан 2017 йил 6-7 март
кунлари давлат ташрифи билан
Туркменистонда бўлади.**

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қиладилар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунилари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЯНГИ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

**2017 йил 6-7 март кунлари
Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон
Республикаси Президенти сифатидаги
биринчи хорижий сафарини амалга
оширади.**

Яна шуниси ҳам эътиборли ва ҳатто рамзий маънога эгадирки, давлатимиз раҳбари ўтган ойда янги сайланган Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг биринчи олий мартабали меҳмони бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси февраль ойида йўллаган табрикномасида Гурбангули Бердимухамедовни сайловда эришган ишончли ғалабаси билан қутлар экан, бўлажак ташриф икки томонлама муносабатларда том маънодаги тарихий воқеа бўлажакка ишонч билдирди. Қолаверса, кейинги ярим йил давомида давлатларимиз ўртасидаги турли даражадаги алоқаларнинг жадал тус олгани ҳамда конструктив ҳамкорликнинг шу пайтга қадар қўйилган мустақам замини ҳам бундан далолат беради.

Ҳеч кимга сир эмаски, маънавий қадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва аъёнлар муштараклигига асосланган дўстлик ҳамда яхши кўшничиликнинг мустақам ришталари асрлар давомида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг қардош халқларини бир-бирига боғлаб келган. Икки халқ ҳаммиса бир-бирининг адабиётига, маданияти ҳамда санъатига ҳурмат билан муносабатда бўлган, буюк аждодларнинг бой мероси эса, ҳеч муболағасиз, бизларнинг умумий бойлигимиз ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида йўлга қўйилган самимий муносабатлар ўзбек халқи учун оғир бўлган кунларда — Биринчи Президентимиз Ислам Каримов вафот этган давларда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Миллий йўлбошчимиз билан видолашув маросимида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ҳам қатнашди. Ушунда дўст мамлакат раҳбари икки давлат ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк давлат арбоби, доно сиёсатчини Туркменистон халқи чуқур ҳурмат қилишини баён этган эди.

Ана шундай эътиромнинг рамзи сифатида Туркменбод шаҳрида мамлакатимизнинг биринчи раҳбари номи билан аталадиган марказий кўчадаги Ислам Каримов номи хиёбонда Ўзбекистон Биринчи Президентининг хотира мажмуи барпо этилмоқда. Туркменистон раҳбари ўтган йил 4 ноябрь куни Ашхободда мамлакатимиз ҳукумати делегациясини қабул қилган чоғдаёқ бу ҳақда баёнот берган эди.

Самимий қардошлар ҳамда яқин ёшунлар сифатида ўзбеклар ҳамда туркманлар яхши ва ёмон кунларда ҳам ҳаммиса бир-бирига елкадош бўлиб келган. Масалан, 2016 йил 17 сентябрь куни мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари бошчилигидаги делегация туркман халқининг қувончига шерик бўлиб, Ашхободда янги аэропортнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Туркменистон Президентининг республикамиз ҳукумати аъзолари билан бўлган яна бир учрашуви икки томонлама муносабатларнинг ўсувчанлигидан далолат беради. Гурбангули Бердимухамедов ўтган йилнинг 26-27 ноябрь кунлари Ашхободда бўлиб ўтган БМТнинг Барқарор Транспорт бўйича биринчи Глобал конференцияси доирасида Ўзбекистон делегациясини қабул қилди. Самимий суҳбат чоғида икки томонлама алоқалар, шу жумладан, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари қўриб чиқилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз: мамлакатларимиз кўп томонлама музокаралар доирасида ҳам бир-бири учун ишончли таянчдир. Ўзбекистон Туркменистон раҳбарининг Халқаро неутралитет кўнини таъсис этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлагани бу фикрнинг яққол тасдиғи ҳисобланади. Бунинг натижасида жорий йил 2 февраль куни БМТ Бош Ассамблеясининг 71-сессиясида 12 декабри Халқаро неутралитет куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Резолюция мамлакатимиз ҳаммуаллифлигида қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Такехико НАКАО: ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли
ислохотлар, ўзаро ҳамкорлик лойиҳалари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

– Ўзбекистонга ташрифим жуда самарали бўлмоқда. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим. Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш, боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳосилдорлини ошириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш борасидаги лойиҳалар бизда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, ҳудудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобиль йўллари ва темир йўл инфратузилмасини модерни-

зация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни қўлайлаштириш ҳисобидан хусусий сектор салохиятини ошириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича комплекс дастур, самарали замонавий энергетика секторини ривожлантириш ва тақомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан суҳбатда ҳам шулар каби бир қанча соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича самарали мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мулоқотда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, аграр тармоқни модернизациялаш, тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлаш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Бу пировард натижада мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига замин яратди.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга 2017-2019 йилларга мўлжалланган энергетика соҳасидаги инфратузилмаларни ривожлантириш, транспорт, коммунал хизматлар, оқим ҳудудларда турар-жойлар қурилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг молиялаштириш учун маблағлар ажратади.

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси улкан салохиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минта-

қада транспорт алоқасини яхшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасидаги саяёҳаракатларини юксак қадрайимиз ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ислохотларни амалга ошириш лойиҳаларида қатнашишни режалаштирмақдамиз. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барча соҳадаги тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу ҳаракат юксак самаралар олиб келишига ишонамиз.

А.ЎРОЗОВ ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 10000 сўм
бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида**

2017 йилнинг 10 мартидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 10000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари 144 х 78 мм. ўлчамдаги химояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Гербига ва “10000” рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида “Дарча” ва “3D” эффектли юзага чиқиб, ичкарига ботувчи химоя иппи ўтказилган.

Банкнот олд томонининг юқори қисмида “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшкор элементлар фониди Ўзбекистон Республикаси Гербига тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафида “10000” рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Гербнинг ўнг тарафидаги “10000” рақами устига йирик ҳарфлар билан “SO'M” сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида банкнот қиймати сўз билан “O'N MING” кўрсатилган.

Нақшкор рамканинг пастки қисмида “O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKASI HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISH SHART” ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг тўқ кўк рангли нақшкор рамкаси, “O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги “10000” рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган “10000” рақами тепасида банкнотнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялиқ бурчакнинг ҳолатига қараб рангини ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи, тилла-бронза рангли саккиз қиррали нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил “2017” кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида кўк ва бинафша рангда ишланган нақшкор безаклар жойлашган



бўлиб, пастки безак устида “10000” рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида “SENAT” меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи “10000” ва “SO'M” ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан “O'N MING” кўрсатилган.

Пастки қисмида “O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI” матни жойлашган.

Ушбу матннинг икки томонида “10000” рақамлари, шунингдек, банкнотнинг энг юқори қисмида “O'N MING SO'M” ёзуви акс эттирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари, айна пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

XXI саҳоси аср

Барча
маълумотлар
олиқан сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон темир йўл вокзалида муддатли харбий хизматни ўтаб қатган йигитларнинг бир гуруҳини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, мудофаа ишлари, ички ишлар бошқармалари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, ота-оналар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Жиззахда 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбири “Жаннатмонанд юртнинг бахтли қизиман” деб номланди. Тадбир доирасида спорт, чеварлик, пазандалик, орасталик, рақс, қўшиқ ижрочилиги, оналар учун байрам совғаси тайёрлаш бўйича талаба-қизлар ўртасида қўриқ-танлов ташкил этилди.

● Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қошидаги “Нуристон” академик лицейида “Ёшлар хорижий тилларни ўрганмоқда” мавзусида тиллар фестивали бўлиб ўтди. Турли халқларнинг урф-одат ва аъёнлари, миллий санъати ҳақида тайёрланган саҳна кўринишлари, айниқса, хорижий тилларда жонли ижро этилган қўшиқ ва рақслар фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Юньнань музофотида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Катта тезликда ҳаракатланаётган цемент ташийдиган улкан машинанинг йўловчи автобусига урилиб кетиши натижасида 10 киши ҳалок бўлди, 38 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирча йўл-транспорт ҳодисаси сабаби аниқланмаган.

● Испаниянинг Барселона шаҳрида беш кун давомида аънавий Жаҳон мобил алоқа конгресси бўлиб ўтди. Аҳамиятли томони, нуфузли анжуманда жаҳоннинг АКТ соҳасида фаолият юритаётган 2300 та компанияси ўзининг энг сўнгги ишланмалари, маҳсулотлари билан қатнашди. Айниқса, мобил алоқаларни жуда юқори тезликда ишлайдиган 5“G” тармоғи тақдироти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Форум доирасида йилнинг энг яхши смартфонлари ҳам аниқланди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

1996 йил 16 январдаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномада кўзда тутилганидек, бир-бирини қўллаб-қувватлаш икки томонлама муносабатлардаги асосий жиҳатлардан бири ҳисобланади. Мазкур Шартномани бугунги кунга қадар имзоланган қарийб 190 та битимдан иборат салмоқли ҳужжатлар тўпламининг "тожи" дейиш мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, юқорида қайд этилган шартномаларнинг аксарияти Тошкент ҳам, Ашхобод ҳам устувор даражада эътибор қаратадиган савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоқадордир. Бу йўналишдаги ҳамкорлик кўлами ҳамда унга бериладиган аҳамият даражаси катта эканлигини тасдиқлаш учун биргина мисолни келтиришнинг ўзи kiffo: сўнгги олти ой мобайнида Ўзбекистон — Туркменистон савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг иккита мажлиси бўлиб ўтди. Сўнгги мажлис яқунлари бўйича томонлар иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, сув-ҳўжалик объектларидан биргаликда фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ҳамда нефть маҳсулотлари етказиб бериш, ўзаро миллий кўргазмаларни ташкил қилиш юзасидан келишувларга эришилди.

Мазкур ҳукуматлараро комиссиянинг номлашиддан ҳам аёнки, томонлар маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини мунтазам равишда муҳомада этишадди. Чунки ўзаро муносабатларнинг бу

йўналиши ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида улкан аҳамиятга эга. Бунинг самаралари эса кафтдагидек равшан: Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари ҳар икки мамлакатда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ҳамда танловларда мунтазам қатнашмоқда. Шу билан бирга, ҳар йили ўзбек ва туркман санъат даргаларининг иқтидори ҳамда юқори маҳоратини очиб берадиган тадбирлар уюштирилади. Ўтган йил 26 —

Жорий йил 4-5 февраль кунлари Ўзбекистоннинг Бухоро ва Хоразм вилоятлари делегацияларининг Туркменистоннинг Лебап ҳамда Тошхўвуз вилоятларига ташрифлари ҳам тегишли минтақалар маъмуриятлари раҳбарлари, ишбилармон ва жамоатчилик доираларининг вакиллари иштирокидаги музокараларга бой бўлди. Ташриф қатнашчилари қардош мамлакат ҳамда халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган бундай муносабатларнинг

корлик тараққиётида салмоқли ўрин тутди. Маълумки, Ўзбекистонда яшайдиган миллат ҳамда элларнинг ҳар томонлама ривожланишига республикада алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида қарийб 189 минг нафар туркман қардошларимиз истиқомат қилади. Бу миллат фарзандлари туркман тили ўқитиладиган 47 та мактабда тахсил олишяпти.

Бундан ташқари, юртимизда Туркман миллий маданий марказлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатаётди. Улар Ўзбекистон фаровонлиги ва миллатлараро ҳамжихатликнинг мустаҳкамланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Ўзбекистон — Туркменистон ўртасидаги муносабатларнинг ана шундай дўстона ҳамда яқин қардошлик моҳиятига эга эканлиги, қолаверса, бўлажак ташриф кун тартибининг учрашув ва музокараларга жуда бойлиги ҳам давлатимиз раҳбарининг олдида турган давлат ташрифи халқларимиз тарихида том маънодаги унутилмас воқеа бўлиб қолишидан дарак беради. Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов ўртасида аллақачон йўлга қўйилган ишончли ҳамда конструктив мулоқот тўғрисида энди икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги, стратегик шериклик даражасига олиб чиқиши учун кенг имкониятлар эшиги очилапти.

Г. НУРЖОНОВА,
"Жаҳон" АА

ЯНГИ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

28 сентябрь кунлари Ашхободда бўлиб ўтган "Ўзбек киноси кунлари" доирасида мамлакатимиз кино санъати усталари томонидан суратга олинган 8 та бадиий фильм намойиш қилинди.

2016 йилнинг 7 — 11 ноябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтган "Туркменистон маданияти кунлари" тадбири доирасида республикаимиз ахли қардош туркман халқининг бой анъана ва ўрф-одатлари билан яқиндан танишди. Тошкент ҳамда Бухоро шаҳарларида дўст мамлакат санъаткорлари иштирокида кўргазмалар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, концертлар ҳамда фильмлар намойиши бўлиб ўтди.

юқори даражасидан алоҳида қониқиш билдирдилар. Шунингдек, минтақаларо даражадаги тўғридан-тўғри ҳамда яқин шериклик алоқаларини, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш муҳим эканлиги қайд этилди. Ташрифлар чоғида Ўзбекистон делегацияси учун Туркменистоннинг республикаимизга чегарадош бўлган вилоятларидаги саноат корхоналари ҳамда маданий муассасалари билан танишув тадбирлари ташкиллаштирилди.

Мамлакатларимизда истиқомат қиладиган ўзбек ва туркман этник гуруҳларининг вакиллари икки томонлама ҳам-

Диққат, янгилик

ПЛАСТИК ГУВОҲНОМАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Сўнгги вақтларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, соҳани янада такомиллаштириш, ҳайдовчи ва пиёдаларга турли қулайликлар яратиш ишига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Шу маънода ҳукуматимиз томонидан бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиб, амалиётга татбиқ этилди ва бу йўналишдаги ишлар давом этирилмоқда.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 март кўни имзоланган "Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома"нинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 116-сонли қарорини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу қарорга асосан республикаимиз ҳудудида 2017 йил 1 октябрдан бошлаб тегишли равишда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг, автомобилотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказишда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин янги намуналари берилиши йўлга қўйилди. Биз Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИХХББ бошлиғи, полковник **Холматжон САЙДАЛИЕВ**дан ушбу янгилик ҳақида батафсил гапириб беришни сўрадик.

— Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси 1968 йил 8 ноябрда қабул қилинган Йўл ҳаракати тўғрисидаги Вена конвенцияси тавсияларига мувофиқлигини таъминлаш, миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни самарали ташкил этиш мақсадида тайёрланган бўлиб, махсус ҳимоя қатламлари эга. Унда конвенция талабларида белгиланган мажбурий маълумотлар лотин алифбосида, ўзбек тилида ёзилган. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси пластикдан тайёрланади. Гувоҳнома ўлчами 54х86 миллиметрли ташкил этади. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида Ўзбекистон Республикасининг номи давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. У қалбақлаштиришдан ҳимоя қилувчи мустаҳкам ва мукамал ҳимоя воситаларига эга.

Маълумки, эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида А.В.С.Д.Д. ва Е. тоифалари акс эттирилган эди. Янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида бунга бироз ўзгариш киритилди. Эндиликда ҳайдовчилик гувоҳномасида А.В.С.Д.Д.В.Е.С.Е. ва Д.Е. тоифалари акс эттирилади. Бунда А-мототранспорт воситаларини бошқаришга, В-А тоифасига кирмайдиган, тўла вази 3,5 тоннагача бўлган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи 8 тадан ошмайдиган автомобилларни бошқаришга, С-Д тоифасига кирмайдиган, тўла вази 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юқ автомобилларини бошқаришга, Д-йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи 8 тадан ортиқ автомобилларни бошқаришга ва Е-тиркемали транспорт воситаларини бошқаришга рухсат беради.

Янги нусхадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида Е тоифаси унга бўлиниди. Бунда ВЕ-А тоифасига кирмайдиган, тўла вази 3,5 тоннагача бўлган ва ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи 8 тадан ошмайдиган автомобилларни тиркама билан бошқаришга, СЕ-Д тоифасига кирмайдиган, тўла вази 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юқ автомобилларини тиркама билан бошқаришга, ДЕ-йўловчи ташишга мўлжалланган, ҳайдовчи ўрнидан ташқари ўриндиғи 8 тадан ортиқ автомобилларни тиркама билан бошқаришга рухсат берилиши билдирди.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин пластик шаклда тайёрланган янги намуналари босқичма-босқич жорий этилади.

Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси 10 йил муддатга берилади. Ҳайдовчи ундан фойдалангандан сўнг ҳар ўн йилда алмаштириб туриши керак. Чунки ўн йилда инсоннинг ташқи кўриниши ўзгаради. Бу эса унинг ҳужжатларини текшириш жараёнида турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига амалдаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига алмаштириш муддатлари ҳам белгилаб берилган. Унга кўра миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ҳар бир ҳайдовчи 2017 йил 1 октябрдан бошлаб 2018 йилнинг 31 декабрь кунига қадар эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига, уларнинг берилган санасидан катти назар эгагининг ёзма аризасига кўра ихтиёрли равишда алмаштириб берилади.

2019 йил 1 январдан 2020 йилнинг 31 декабрга қадар эса эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари, уларнинг берилган санасидан катти назар мажбурий тартибда янгисига алмаштирилади. Шундан кейин, яъни 2021 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги барча ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳақиқий эмас, деб топилади ва бу ҳайдовчилик гувоҳномалари билан автомобилотранспорт воситаларини бошқариш, ҳайдовчилик гувоҳномасиз автомобилотранспорт воситаларини бошқариш бўлиб ҳисобланади ва ҳайдовчига нисбатан белгиланган тартибда мажбурий чора қўрилади.

Фуқароларимизни ушбу янги, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ва ҳозирда фойдаланишда бўлганларини қай тартибда алмаштириш каби саволларнинг жавоби қизиқтириши табиий. Бу ўринда шунинг таъкидлаш лозимки, ушбу янги ҳужжат 1 октябр кунидан бошлаб ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганларга назарий ва амалий имтиҳонлардан ўтганларидан сўнг берила бошланади. Шунингдек, бирор-бир сабаб билан эскирган, яроқсиз ҳолга келиб қолган ва йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони янгисига йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг рўйхатга олиш ва имтиҳон бўлимларида ҳайдовчилар томонидан зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг алмаштириб берилади. Бу ўринда шунинг таъкидлаш лозимки, эски нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини алмаштириш учун ҳайдовчилар ўқув даргоҳини тамомлаганликлари тўғрисидаги имтиҳон варақасини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини, тегишли кўриқ маълумотномасини, тўлов чиптасини, транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномасини ёки ишончномани ва шахсий паспортни, корхона ёки ташкилотларда ҳайдовчи бўлиб ишловчилар иш жойларидан маълумотномани тақдим этишлари лозим.

Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳам янгиланди. Бу гувоҳнома ҳам ўлчами 54х86 мм. пластикдан тайёрланади. Гувоҳноманин олд томонида "Automototransport vositasi ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risida guvohnoma" ёзувлари давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири ўтирилган. "Ўзбекистон Республикаси" сўзлари Автоматотранспорт воситасининг давлат ракам белгиси, ишлаб чиқарилган йили, автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана, автомобилотранспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи, манзили), йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг бўлими мажбурий тартибда кўрсатилади.

Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин орқа томонида автомобилотранспорт воситаси тўғрисидаги маълумотлар: русуми, модели, тури, кузов рақами, тўла вази, юксиз вази, двигателнинг тоифаси ва қуввати, ёнилиги тури, ранги, ҳайдовчининг ўриндиғи билан биргаликда ўтириладиган ўринлар сони, тик туриладиган ўринлар сони, алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади.

Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманин янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш ишлари 2017-2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳайдовчилар автомобилотранспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишга тақдим этганларида эски намунадаги автомобилотранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномалари янгисига алмаштириб берилади. Автоматотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги эски намунадаги гувоҳномалар ҳам 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги нусхадаги пластик гувоҳномаларда автомобилотранспорт воситасини техник кўриқдан ўтганлигини акс эттирувчи белги қўйиладиган жой йўқ. Шунини инобатга олган ҳолда автомобилотранспорт воситаси техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон ҳам жорий этилди. Техник кўриқ натижаси ана шу талонда акс этади.

Жорий этилаётган бу каби янгиликлар ҳаракат иш-тироқчиларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Мансуржон РИХСИЕВ
ёзиб олди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида" - ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" ги ПҚ-2244-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида" ги 295-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 41-42-сон, 483-модда) Қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 13 февралдаги 08/1-150-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режаси" га ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар комиссиясининг ҳулосасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.
2. Миробод, Яккасарой, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманлари ҳудудидан ўтадиган "Ўзбекистон" кўчаси қайта номланиб, унга "Ислам Каримов" кўчаси номи бериلسин.
3. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Қурбонов), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидagi бошқарма, ташкилот ва муассасалар: кўчага янги ном берилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан 1 ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар қўрилиши ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилсин.
4. Мазкур қарор "Тошкент оқшони" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р.Усманов

2017 йил 1 март

ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

**Табиий газ бебаҳо бойлигимиз,
шундай экан, уни асраб-авайлаш,
фойдаланишда исрофгарчиликка
йўл қўймаслик барчамизнинг
бурчимизга айланмоғи лозим.**

Миллий матбуот марказида "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.

Айтиш жоизки, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан республика газ ҳўжалигини 2016-2017 йилларда куз-қиш мавсумига тайёрлаш доирасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси раҳбари ўринбосари Муродилла Бошмоновнинг маълум қилишича ўтган йил давомида 68,6 км. газ қувурлари мукамал таъмирланди, 171,9 км. реконструкция қилинган. 70 минг 469 донга газ тақсимлаш пунктлари таътишдан ўтказилиб, 7 минг 201,3 км. қувурлар босим остида синалган, шунингдек 5607, 8 км. ер ости қувурлари махсус ускуна ёрдамида текширилиб, 1690,4 км. газ қувурлари бўлган.

Хозирги кунда компания томонидан республикаимизнинг барча ҳудудларини қамраб олувчи 130 минг км.дан ортиқ газ қувурлари орқали 14 млнд га яқин аҳоли истиқомат қилувларини 3 млн.дан зиёд ўй-жайлар, 80 мингдан кўпроқ улғуржи истеъмолчилар, яъни 5 мингдан зиёд саноат корхоналари, 46 мингга яқин маиший ва ижтимоий объект ҳамда 30 мингдан ортиқ акка тартибдаги тадбиркорларга табиий газ етказиб берилмоқда.

Шунингдек, аҳолига суюлтирилган табиий газни етказиб бериш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хозирги пайтда 2 млн. 500 мингдан ортиқ хонадонлар суюлтирилган газ билан таъминланган. Жадвал асосида аҳолига жорий қилинган газ 138 минг тоннадан кўп суюлтирилган газ ва 155 мингдан ортиқ маиший газ баллонлари етказиб берилди.

Компания ходимлари сўнгги пайтларда миллий бойлигимиздан оқилона фойдаланиш ёки талон-тарож қилишга йўл қўймаслик, истеъмол қилинган газ ҳақини ўз вақтида давлат газнасига тушириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун жойларда тартиб-таътиб ишлари олиб борилиб, ноқонуний газ истеъмоли билан шуғулланувчиларга нисбатан тегишли тартибда чоралар қўйилапти.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Газ тўловиға муносабат" номли видеофильм намойиш қилинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ш.ЗОКИРОВ



ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Манна, ўлкамизга дилларни қувонтириб яна баҳор келди. Табиатда яшариш, янгиланиш, атроф янада фусункор тусга кирмоқда. Бободехқон кетмонини кўтариб далага шайланди. Дарахтар оқлиниб, гуллар экилмоқда. Наврўзи оламни муносиб кутиб олиш учун жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига киришилди.

Пойтахтимизда ҳам баҳор келиши билан ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Туманлардаги ободонлаштириш бошқармалари, маҳаллалар, ширкатлар, корхона-ташкilotлар, кенг жамоатчилик бу ишларга бош-қош бўлмоқда.

Олмасор тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мўмин Очиловнинг айтишича, бугунги кунда ҳудуддаги 48 та асосий кўчалар, 500 га яқин ички кўчаларда режа асосида ишлар олиб боришмоқда. Кичик ҳалқа йўлида дарахтарга шакл берилаёпти, бордорлар оқланаёпти. Янги гулхоналар қўрилмоқда. Ариқлар, пиёдалар йўлкаси тозаланмоқда. Чикиндилар олиб чиқиш кетилмоқда.

Наврўз байрамига қадар 20 минг туп дарахтар оқланади, 500 мингдан ортиқ гуллар экилади. Ички кўчаларга асфальт ётқи-зилади, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бўлим бош-лиғи Дилшод Эгамқулов.

Олмасор туманидаги 28-умумтаълим мактаби ҳудудида хашар уюштирилиб, гул экиш учун ерлар юмшатилмоқда.

Юнусобод туманида ҳам бу каби ишларнинг гувоҳи бўлдик. Жум-ладан, Увайсий номи маҳаллада бугунги кунда кенг кўламли иш-лар бошлаб юборилган. 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла ҳудудида 13 та кўп қаватли уйлар жойлашган. 7 та шир-кат фаолият олиб боради. Бу ерда замонавий маҳалла гузары барпо этилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг фасадлари бўялмоқда. Хар битта кўп қаватли уйлар олдида болалар майдончалари барпо этилмоқда. Замонавий савдо дўконлари ишга туширилади. Наврўз байрами арафасигача бу маскан янада обод гўшага айланади.

Мухтасар қилиб айтганда, пойтахтимизнинг қайси гўшасига бор-манг бу каби хайри ишларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Хар биримиз ўз уйимизни, маҳалламизни, иш жойимизни тоза, ороста ва обод сақласак, шаҳримиз ҳам янада чирой очади. Шун-дай экан, пойтахтимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашига ҳамма-миз ўз ҳиссамизни қўшайлик.

З. ШАРИФЖОНОВ

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Юз билан юзлашганлар

ОНАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Айни кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи кезмокда. Баҳор тароватидан кўнгиллар яйрайди. Шундай гўзал кунларда халқимизнинг азалий эзгу одатлари янада яққол намоён бўлади. Ана шундай байрам нашидасидан баҳра олаётган 102 ёшни қаршилаган Ойгул Пирмухамедова хонадониди бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Учтепа туманидаги "Бекобод" маҳалласида истиқомат қилувчи онахоннинг ораста ва шинам хонадонидида ўзига хос бай-тароват борлигини ҳис қилдик. Бизни онахоннинг 70 ёшли келини Мас-тура опа, қизлари ва набиралари қарши олди.

Юзу кўзларидан самимият ва нур ёғилиб турган, барчани очик чеҳра билан кутиб олаётган, қўллари дуода бўлган табаррук ёшдаги онахонимиз аини пайтда кўнглингиздан нималар кечди, деб сўраганимизда шундай жавоб бердилар:

– Бундай дорилмон, фарахбахш кунларга етказганига шукрона келтираман. Кексаларга эътибор кўрсатаётганлари учун авваламбор Президентимизга миннатдорчилик билдираман. Биздай ёши улуг инсонларни ҳамиша йўқлаб, барча шарт-шароитлари яратётганлари учун минг раҳмат. Илоҳим давлатимизга кўз тегмасин, дастурхонларимиз тўкин, юртимиз тинч, барчаннинг хонадонидида осо-

йишталлик ва шодумонлик бўлсин.

Онахоннинг умр йўллари билан танишар эканмиз аёл матонатининг бекиёс-лигига яна бир бор амин бўлдик. 35 ёшида бева қолган Ойгул ая, бешта фарзандини машаққатли меҳнатлар билан, деҳқончилик қилиб, тўнлари ухламасдан тикиш-чатиш билан вояга етказган.

Ойгул она 25 нафар набира, 74 та эва-ра, 42 чевараларнинг бувиси бўлиб, уларнинг ардоғида, меҳру муҳаббатини ҳис қилиб, ҳар бир ишда бош-қош бўлиб умргузаронлик қилмоқда.

Онахон бошчилигидаги бу оиланинг бахту камолини, саодатли, шодумон кунларини кўриб баҳру дилимиз яйради.

– Онахоннинг бағри бутунлигига ҳам-мамиз ҳавас қиламиз, – дея сўбатимизга қўшилди "Бекобод" маҳалласи фука-ролар йиғини раиси Шоира Маҳмудова. – Ойгул она хонадонлари намуна тим-солига айланган. Катта қизлари Карима опанинг ҳам ўн нафар фарзандлари бор.

8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни



Иккинчи қизлари Тожихон опа ҳам маҳалламизда яшайди. 70 ёшни қарши олганларига қарамай ҳар доим маҳалла аҳли билан ҳамнафас, ҳар ишда масла-хатгўй. Уларнинг дуоси, панд-насихатла-ри эса бир қанча оилаларнинг мустаҳ-кам ҳаёт кечиршига сабаб бўлмоқда. Маҳалламизда шундай нуруний онахонлар-нинг борлиги барча хонадонларнинг тинч-лигини таъминлайди, доноларимиз айтган-дек "Қариси бор уйнинг париси бор".

– Бувимиз бизнинг бахтимиз, дуоғў-йимиз оиламизнинг фойзи дейди, – не-вара келини шифокор-невропатолог Му-нираҳон Шералиева. – Уларнинг дуола-ри остида фарзандларимиз, набирала-римиз одобли, илмли, билим ва ҳунар эгаллашга интилган. Бувимизнинг сабр, тоқат, мустаҳкам ирода билан ўтказган ҳаёт йўллари, ғайрат-шижоати бизлар-ни ҳам доимо олдинга бошлайди. Ўзим ҳам икки нафар фарзандим ва уч нафар набираларим бағрида, бувихонимнинг маслаҳатларига суяниб яшайман.

Ҳа, инсоннинг умр йўллари унинг бос-ган излари билан эмас, қилган меҳнати,

кўрсатган хизмати ва эл-юрт олдидаги бурчи билан ўлчанади. Қўтлуг хонадон-дан қайтар эканмиз, қалбимиз ажиб бир хотиржамликка тўлди. Аср билан юзлаш-ган онахон қўлларини дуога очиб юрти-мизга тинчлик, дастурхонларимизга тўкинлик, эзгу ишларимизга бардавон-лик, Президентимизга узок умр тиладилар.

Пиру бадавлат инсонларнинг дуола-ри ҳамиша ижобат бўлади. Шундай қўтлуг ёш барчамизга насиб айласин. Онахоннинг умрлари бунданда зиёда бўлсин. Ҳа, мамлакатимизда кекса ав-лод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, маънавий ҳаёти-мизнинг ажралмас қисмига айланган.

Зеро, кексалик умр зийнати ҳисобла-нади. Қарияларимизни ардоқлаб ҳар бир кунимизга шукрона келтириб яшаш эса барчамизнинг инсоний бурчимиз-дир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
Суратда: 102 ёшни қарши олган
Ойгул Пирмухамедова
яқинлари билан

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

АЁЛ МАНЗУМАСИ

Бу диёрда ору номус,
шаъну шавкатдир аёл,
Меҳру шавқатдан яралан,
меҳру шавқатдир аёл.

Олам узра бир Қуёш бор,
битта ой бордир, вале,
Ердаги нур – моҳитобон,
шамси таъғатдир аёл.

Она сўзи юрт сўзи бирлан
нечун пайвастадир?
Бир улуг элдир, Ватандир –
шунга сарҳатдир аёл.

Кўкдаги кунларни ҳам
чарчатгуси меҳнатлари,
Уч юз олтими томири
иш бирла заҳматдир аёл.

Жон десам жононадир,
жоним десам жонимдадир,

Ул муҳаббат оламига
мангу даъватдир аёл.

Мен қошингизнинг қаросидан
дилмига хат олай,
Ваҳ, нечук нозик нафосат,
қонингжа санъатдир аёл!

Бу гўзал нозу адолар
ҳеч адолар қилмағай,
Қайта-қайта жон ато
этгучи ҳайратдир аёл.

Умрингизнинг боғларига
файз берган ҳам ўшал,
Билсангиз Ҳақдин муқофот
ҳамда рағбатдир аёл.

Онажоним, Она юртим,
давлатинг кам бўлмағай,
Токи сен борсан жаҳонда
катта давлатдир аёл.

Туманларда

КЎНГИЛЛАР ЗАВҚҚА ТЎЛДИ

Юзларида кулгу, лабларида майин табассум, қўлларида гулдасталар ифориини оламга таратиб, карнай-сурнай наволари остида байрамга ташриф буюраётган хотин-қизларга назар солар эканмиз, "Дунё гўзаллиги аёл кулгусида" деган пурмавно ҳикматли сўзнинг маъносини теранроқ англагандай бўлаверамиз.

Бектемир туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган байрам тадбири "Юсуф" гу-заридида катта тантана билан ни-шонланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мух-тарам онахонлар, дилбар аёллар, гўлгунчеҳра, латофатли қизларни шодийона байрам билан табрик-лаб, она Ватанимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида олиб бора-ётган фаолиятларида ютуқ ва омадлар тилади.

– Гўзал аёлларимиз, дилбар опа-сингилларимизнинг шўх-шо-дон кулгулари оламга жозиба, атрофга майин тароват бағиш-лаётгандай таассурот қолдирди қалбимизда, – дейди Бектемир туман ҳокими ўринбосари, хо-тин-қизлар кўмитаси раиси Зи-ёда Тохирова. – Зеро, дунёда

аёл кулгусидан-да жозибалироқ нарсанинг ўзи йўқ. Ушбу бай-рам биз аёлларнинг кўнглига шодлик бағишлади. Илоҳим юр-тимизнинг шундай шукуҳли бай-рамлари кўпаяверсин...

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочилар ўзларининг дил-тортар куй-қўшиқлари билан байрам тадбирининг мазмунли ва мароқли чиқишини таъмин-лашга муносиб ҳисса қўшди-лар. Туманнинг энг фаол хо-тин-қизлари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақ-дирланди.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбирла-ри барча туманларда ўзига хос тарзда кўтаринки кайфиятда ни-шонланмоқда.

Гулнигор САТТОРОВА

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан "Йилнинг энг фаол аёли" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Партиянинг "Аёллар қаноти" кенгаши раиси З.Ботирова ва бошқалар мамлакатимизда хо-тин-қизларнинг жамиятдаги маъқеини юксал-тириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Анъанавий "Йилнинг энг фаол аёли" кўрик-танлови жамиятда хотин-қизларнинг ролини янада кучайтириш, партия сафидаги энг фаол, ташаббускор, жамоа ва оилада намуна кўрс-таётган аёлларни аниқлаш ва муносиб рағ-батлантириш, уларнинг таърибасини кенг тат-биқ қилиш мақсадида ташкил этилган.

Танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқич-лари очилди, ошкоралик асосида ўтказилди. Мамлакат босқичида 14 аёл қатнашди.

Кўрик-танловда иштирокчи аёлларнинг би-лим ва маҳорати тўрт шарт асосида синовдан ўтказилди. Танлов ғолибни аниқлашда ишти-рокчилардаги ташаббускорлик, дунёқарашининг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамли-ги, сиёсий маданият, умумбашарий, миллий ва ижтимоий қадриятларни яхши ўзлаштирган-лиги, амалга оширган лойиҳаларига аҳамият қаратилди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра самарқанд-лик Инобат Ҳасанова биринчи ўринни эгалла-ди. Тошкентлик Адолат Худойбергенова иккин-чи, сирдарёлик Дилноз Умурзоқова учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 7 апрелда ўтказила-диган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш орқа-ли (оммавий оферта савдосида) Тошкент шаҳри, Мир-обод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уйда жойлашган офис ва савдо дўкони мажмуасини сотиб олишга тақлиф эта-ди.

Объектнинг бошланғич нархи 8 439 096 890 (сак-киз миллиард тўрт юз ўттиз тўққиз миллион тўқсон олти минг саккиз юз тўқсон) сўмни ташкил қилади ва уни сотиб олиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;
- ушбу "Объект" учун энг юқори қўшимча инвести-ция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- харид қилмади ва инвестиция мажбуриятларини ба-жаришни қўсқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этилаётган ҳуж-жатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бош-ланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммасини тўлаш;
- тақлифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжат-лар солинган ҳамда елимаб ёпиштирилган, имзо би-лан тасдиқланб, муҳрланган конвертлар, икки нусха-да.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилин-ган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли оқлантилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан ари-заларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш кўни аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 7 апрель кўни соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун сав-долар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 24 апрель, 10, 25 май, 9, 26 июнь ва 11, 26 июль кўнлари соат 16.00 да тақдоран ўтказилади.

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 29 нояб-рдаги 249(13.312)-сонидида ушбу Объект бўйича чоп этил-ган ЭЪЛОН бошқарманинг 2017 йил 28 февралдаги 35 к-ПО-сонли буйруғига асосан ўз кўчини йўқотганлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун телефон: 233-35-08.

Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 72-сонли қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўча-си, 51-уй манзилида жойлашган умумий майдони 3420 кв.м.дан иборат бўлган охиона бино-иншоотлари "Ўзэл-техсаноат" АЖнинг устав фондига давлат улушини оши-риш ҳисобига белгиланган тартибда "Ўзэлтехсаноат" АЖга топширилиши муносабати билан оммавий оферта савдоларидан олинди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 февралдаги 59-сонли қарори ва Ўзбекис-тон Республикаси Давлат рақобат кўмитасининг 2017 йил 13 февралдаги 53-П-сонли буйруғига мувофиқ бир-жа савдоларида турган "Asaka Bank" АТБнинг 15,0 фоиз давлат акциялари пакети (556 862 418 дона акция-лар) ва "Ипотека-банк" АЖнинг 15,0 давлат акциялари пакети (11 325 855 дона акциялари) биржа савдола-ридан олинди.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълу-мотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

АЁЛ – ДУНЁНИНГ МЕҲР БҮРЖИДИР

Оилабоши бир дастагина атиргул кўтариб келади.

– Бу сенга, – дейди останада тортинибги-на турган аёлига. Аёл гўё беш донга ёки етти донга гул эмас, турмуш ўртоғи унга етти минг оламнинг муъжизасини ҳада этгандек яшнаб кетади. Фақат гулдаста эмас, ялтироқ қозғога ўралган бир кийимлик матони ё нимдошгина рўмолки, боринги, муъжазгина, бармоқдек-кина шишанадаги атирми – бунинг фарқи йўқ. "Бу – сенга...", дейилса, бас, Аёлнинг юраги қўшга, қўллари қанотга айланаверадилар.

Қизик, аёлнинг ўзи меҳр ипақларидан ярал-ган жисму жон бўлса-да, нега бу қадар ўзига қилинган жиндай эътибор, озгина меҳрдан шу қадар суюнади?

Балки, аёлнинг топгани, тутганининг ҳам-маси, бор бойлиги меҳр билан боғлиқлиги учундир.

Хизматимиз тақозоси билан ёш шахматчи чемпионларимиз Жаҳоҳир ва Исроббек Син-доровларнинг, жаҳон мусобақаларида ғолиб-лик тожини кийган Рустам Қосимжонов, фут-бол бўйича жаҳон чемпиони ўйинларига ҳакамлик қилган Равшан Эрматовнинг онала-ри билан суҳбатлашганман. Ва фақат ота-она-си, фақат хонадони ёки маҳалласига эмас, юр-тимизга шон-шухрат келтираётган бу жўмард ўғлонларимизнинг оналари фарзанд тарбия-сида меҳр отли иссиқ бир туйғун асосий во-сита қилишганини ҳис қилдим. Улар фарзанд-ларини ниҳоятда яхши қўришгани, ардоқла-гани, яхши сўзлари билан ёш юракларида ўзига ишонч уйғотгани учун Исроббеклар, Жа-ҳоҳирлар, Рустамжону Равшанбеклар ота-она ўғлонидан юрт ўғлонига айландилар, айлан-моқдалар.

Аёл қайси вазифани бажарса ҳам, меҳнати, ғайрати билан қандай бандликларга етса ҳам оналик йўлларида юриб этади. Барча фазилятлари орасида ярқираб кўзга ташла-нувчи, уни гўзал юлдузини иссиқ кўрсатувчи сифати ҳам оналикнинг биринчи белгиси – Меҳрдир.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўзбек аёлининг ана шу фази-латини қадрлаган ҳолда фақат баҳорнинг бир кўнини эмас, йил 365 кунни уларга бағишласа арзийди, деган тахсилларга сабоқ бўлади-ганга айтган. Оиласида соғлом муҳит яратиб салоҳиятли фарзандларни камолга етказаят-ган ҳар бир онада қаҳрамонлик ҳисларини кўрганлар. Ана шу эҳтиром истиклол йилла-рида шахсий нуқтаи назар бўлиб қолмади, бал-ки, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Она ва бола саломатлиги муҳофазаси, соғлом на-сли дунёга келтириш ва тарбиялаш, оилада аёлнинг маъқеини кўтариш учун уни жамиятга маҳкамроқ боғлаш, яъни унинг ижтимоий фа-олият майдонини кенгайтириш масалалари кун тартибига қўйилди.

Бугун илму фан, маориф соҳасида опа-син-гилларимиз умумий сонининг 75 фоизи, қишлоқ хўжалигида 43 фоизи меҳнат қилаёт-гани, кичик бизнес субъектларида 120 минг-дан зиёд, фермер хўжаликларида 4 минг 550 нафардан зиёд аёлларнинг меҳнат қилаётган-ни хотин-қизларимиз ҳаёт марказига чиққан-лигини кўрсатади. Аёлнинг меҳр-муҳаббат тўла юрагидан бошланган яратувчанлиги, бунёдкор-лиги уни нечоғлик юксалтириб юбораётгани-ни Ўзбекистондаги 15 нафар қаҳрамон аёллар тимсолида кўрса ҳам бўлади:

– Ҳазрат Навоий: "Бошдин-аёгинг яхши", дея таърифлаган, ишқ изҳор қилган аёллари-миз бугун у табаррук зотнинг қаҳрамонларига ўхшаб, бири – ҳуқуқшунос, бири – иқтисодчи, бири – санъаткор... Мен Зулфия номидидаги Давлат муқофоти совриндорлари бастакор Ойдин қизимиз, созанда Нодира ва чемпион Азиза қизларимизга қараб, улар каби сафа-саф кириб келаётган қизларни кўриб кела-жакда юртимиз қаҳрамон аёллар юртига ай-ланади, деб ўйлайман. Чунки истиқлол ўн си-фати кашф этилган ёшларнинг ўн биринчи си-фатини ҳам кашф этапти, – дейди Ўзбекис-тон қаҳрамони, адабиётшунос олима Суйиша Ганиева.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев кунба-кун қабул қилаётган Фармон, Қарорлар ҳам қаҳрамон опанинг фикрига ишонч туғди-ради.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган бюрократик деворлардан халос бўлиш, суд-ҳуқуқ тизимида адолат таъмин-лининг устуворлигига эришиш, китобхонли-ки оммалаштириш билан юқори интелекту-ли шахсларни тарбиялаш – буларнинг ҳам-маси инсоннинг фаровон, боши тик, қалби жасоратли, тафаккури тўла зиё билан яша-ши учун солинаётган тоза, покиза йўллар-дир.

– Бундай маънавий муҳитдан ким биринчи навбатда суюнади? Албатта, Аёл. Академик шоир Фафур Ғуломнинг "Нега илгарироқ ту-ғилмадим" тарзидидаги сатрини эслайман. Шу кунларда ҳаётимиздаги гўзал ўзгаришларни кўриб, ҳаммамнинг кун сайин янгиликлардан ил-ҳомланиб, куч-ғайратга тўлиб кетаётганини кўриб, шоирнинг шу сатри эсимга келади. Эр-тақлардагидек бир думалаб ёш бўлиб қолсам-у белимга ғайрат камарини боғлаб, меҳнат жабҳасига тушиб кетсам, – дейди Мирзо Улуғ-бек туманидаги Мирзакалон Исмоилий маҳал-ласида яшовчи нафақадаги тиббиётчи Раҳи-ма Нурова.

Бугун қанчадан қанча онахонларнинг дили-дан шу истак ўтаётган экан...

Баҳор, тупроқни ёриб, яшил байроқдек кўта-рилиб келаётган майсалар, гиёҳлар, дарак-лар шохини беаэйтган қуртақ, гулликка шай-ланаётган гўнчалар эзгу истакларга қўшилиб дунёни, ҳаётни, табиятни янаям жозибали, ла-тофатли қўрсатмоқда.

Боз устига, бизнинг – дунёнинг меҳр бера-ғида туриб муҳаббатга, гўзалликка жон бора-ётган Аёлларнинг байрами... Бир шеъримда:

Бунча бахтни бирдан кўтармоқ огир...
– деган сатрим бор эди. Дунё чайқалиб турган бир пайтда инсониятга тинчлик сўраб турган, аллалар айтиб, яшашга, умидга тўлдираётган, фарзанд тарбиялаб – Буюк ке-лажакка таянч тайёрлаётган, меҳнати, ташаб-буси билан ҳам ўзи, ҳам юртимизни зийнат-лаётган Аёл бахти, аёл саодатига кўз тегма-син. Бу байрам шу шукуҳли фурсатларда шоир дилидан шеър бўлиб тўкилаётган бўлса, ажаб эмас:

Ўғлинг элга эга бўлиб улғайсин,
Қизларинг малика бўлиб улғайсин.
Шоҳу гадога ҳам оқ суг берган зот,
Мустақил Ватанин бахт нури чайсин!

Қутлибхана РАХИМБОВЕВА
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

